

Илмий ишлар

ИЛМИЙ ИШЛАР

Илмий ва илмий - педагогик ходимлар тайёрлаш самарадорлиги.

Кафедрада бугунги кунда таянч докторантлардан Хайитова Махбуба, Маликов Элёр, Дустназарова Санобар, Нарзуллаев Жамшид, Абдукаримов Аброр, Хамидов Ахрорхон, Каримова Мадина, Бурхонова Муниса, Эргашев Жамшид ва докторантлар Ишчанов Жавлон ҳамда Фуломов Сардорлар илмий иш олиб бормоқдалар. Шунинг билан бирга 45 ёшгача бўлган ўқитувчилар ҳам илмий ишлари устида иш олиб бормоқда.

Мустақил тадқиқотчилар асосида илмий-педагог кадрлар тайёрлаш.

Маматалиев А.Б.–“Суғориладиган сахро-қум тупроқлар шароитида асосий ва такрорий экинларни томчилатиб суғориш технологияси (Сурхон-Шеробод воҳаси мисолида)” мавзуида ИТИ олиб бормоқда. ПхД докторлик диссертациясини 100 фоизини тайёрланди. Илмий раҳбар: қ.х.ф.д., профессор М.Х.Хамидов.

Эришилган натижалар: Мавзуга доир адабиётлар таҳлил қилинди. Таҳлил диссертациялар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар, мақолалар, шу билан бирга республикамизда соҳа бўйича бажарилган ва олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, хорижий тажрибалар ҳамда интернет маълумотларини қамраб олган. 2021-2022 йилга мўлжалланган назарий қисми бажарилди, бу ишнинг 100% ини ташкил қилади. Халқаро конференцияларда–2 та, Республика журналида 1 та ва хорижий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Ботиров Ш.Ч.–“Районлаштирилган (андоза), истиқболли ва янги ўрта-ингичка толали ғўза навларининг парваришлаш агротадбирлари тизимини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш” мавзусида ИТИ олиб бормоқда. (Достот оф ссиэнсэ) докторлик диссертациясини 65 фоизини тайёрланган. Илмий маслаҳатчи: қ/х.ф.д., профессор М.Х.Хамидов.

Эришилган натижалар: диссертация ишига оид адабиётлар таҳлил қилинган. 4 тамақолалари чоп этилган.

Бекмирзаев Ғ.Т. – “Шўрланган тупроқлар ва қурғоқчилик шароитларини сабзавот ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши, минерал таркиби, фотосинтез жараёни ва сув истемолига таъсири” мавзусида ИТИ олиб бормоқда. (Достот оф ссиэнсэ) докторлик диссертациясини 60 фоизини тайёрланган.

Эришилган натижалар: диссертация ишига оид адабиётлар таҳлил қилинган. Скопусда–2 та, республика ва хорижий конференцияларида 4 тамақолалари чоп этилган.

Юлчиев Д.Г. – “Хоразм вилоятининг суғориладиган майдонлари шўрланиш даражасини тезкор баҳолаш услубини такомиллаштириш” мавзусида ИТИ олиб бормоқда. ПхД докторлик диссертациясини 95 фоизи тайёрланган. Илмий раҳбар: т.ф.д., катта илмий ходим Шерматов Ёрмат.

Эришилган натижалар: диссертация ишига оид адабиётлар таҳлил қилинган. Диссертациянинг назарий ва экспериментал қисмлари бажарилган. Республика ва хорижий журналларида – 4 та ва Республика ва хорижий илмий амалий анжуманларда 4 та мақолалари чоп этилган.